



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 3 март, жума №33 (865)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Жиззахдаги «Маънавият ва маърифат» марказида энг яхши тадбиркорларнинг республика талентлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон телерадиокорпорацияси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтган мазкур танловда хусусий корхоналар, кичик ва ўрта бизнес, шунингдек бир қатор фирмаларнинг вакиллари иштирок этди.


Хакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра Дўстлик туманидаги «Эл Эрк Нур» корхонаси раҳбари Суннатулла Эргашев биринчи, Жиззах шаҳридаги «Гўзал» фирмаси раҳбари Гулноза Нуртובה иккинчи, Фаллаоролдаги «Лалмикор Ш» савдо ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Анора Абдусаломова учинчи ўринни эгаллади.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

2 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти, таниқли ёзувчи Чингиз Айтматовни қабул қилди.

Қабул чоғида минтақа халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда маданий алоқаларни янада ривожлантириш, асрлар давомида шаклланиб келган яқин қўшничилик, биродарлик аъёнларини асраб-авайлаш, минтақа тинчлиги ва осойишталигини сақлашда маданият ва санъат арбобларининг ўрни ҳақида сўз борди.

А. Тўраев (ЎЗА) олган сурат.



Самарқанд вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Бибиҳоним номидаги мукофот таъсис этилди. Темурийлар даврининг илгор фикрли аёли, беназир инсон Сароймулкхоним-Бибиҳоним тавал-

БИБИХОНИМ МУКОФОТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

луд топганининг 600 йиллиги ҳамда 2000 йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан таъсис этилган бу мукофот билан ҳалол меҳнат қилаётган, жамоада, оилада фаол хотин-қизлар тақдирланади.

Х. ШУКУРОВ, ЎЗА мухбири.

ГЎЗАЛЛИК ФАСЛИ

Диёримизнинг барча ҳудудларида Наврўз тараддуди. Шу муносабат билан Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши умумхалқ байрамига пухта тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш юзасидан қарор қабул қилди. Унга биноан жойларда касаба уюшма кўмиталари ташаббуси билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари ўтказилмоқда. Шунингдек, 11-март - Ҳашар куни деб эълон қилинди. Ҳокимлик ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийлари, ноғиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига мурувват ёрдамлари, кўрсатиш тадбирлари режалаш-

тирилди. Шу билан биргаликда, - дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг бўлим муdiri Тўхтамурод Саидов, - касаба уюшмалари тизимидаги маданият саройлари, клуб ва кутубхоналар, спорт иншоотларида турмушнинг ачиқ-чучугини тотган фахрийлар,

адабиёт ва санъат намоёндалари билан учрашувлар ўтказилиб, бадиий ҳаваскорлар иштирокида концертлар уюштирилади. Қадриятларимиз ва қадимий меросларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар, кўргазмалар, турли спорт мусобақалари, маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликда оилавий танловлар ташкил қилиниб, байрам дастурхонлари ёзилади.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши боқувчисини йўқотган болаларга ҳам турли-туман байрам соғвонлари ҳада этишни мақсад қилган. Айни кунларда юқоридаги тадбирларни амалга ошириш учун барча касаба уюшма кўмиталарида кенг кўламада тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.



ҲАЖ ЗИЁРАТИ БОШЛАНДИ

2 март куни эрта саҳарда «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қарашли самолётларда ўзбекистонлик бўлғуси ҳожиларнинг дастлабки гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Муқаддас ҳаж зиёратига отланган юртдошларимиз исломнинг беш арконидан бири - Маккаи Мукаррамадаги муқаддас Каъбани таовф этиш амалини бажариш сари биринчи қадамни қўйди.

Дилимдаги энг эзгу орузларимдан бири ушалмоқда - Яратган Парвардигор буюрган амалини адо этиш шарафига мушарраф бўлмоқдаман, - деди Тошкентнинг Обод маҳалласида яшовчи Ҳикматилла ота Урозов. - Менинг энг эзгу тилагим - ҳар ким Оллоҳ буюрган амалларни адо этиш бахтига муяссар бўлсин. Иймон-эътиқодли мусулмонларга шундай имкониятни яратиб берган ҳукуматимизнинг яхшилик йўлидан тойдирмасин, Президентимиз Ислам Каримовнинг умрлари зиёда бўлсин. Марказий телеграфда 38 йил ишладим. Утган замоннинг барча ачиқ-чучук кунларини кўрдим. Лекин бир кун келиб улғу бахтга мушарраф бўламан, деб ўйламаган эдим. Бу ҳам бўлса, мустақиллигимизнинг шарофати, давлатимиз раҳбарининг юртпарварлиги намунаси дур. Бундай кезларда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабр куни қабул қилинган «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорини эсламай бўладими. Юртбошимиз Ислам Каримов имзолаган ушбу ҳужжатда мазкур муборак сафарни ният қилган ватандошларимизга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасидаги муҳим тадбирлар белгиланган.

Рафиқаси Маҳфуза Юсупова билан муборак сафарга отланган тошкентлик Исмаилов ота Неъматов ҳам шундай буюк бахтга мушарраф бўлаётган ватандошларимиздан экан.

Беш фарзандимизнинг ҳаммаси қобил бўлиб ўсди, қизларимиз жойини топди, ўғилларим яхши ишларнинг бошини тутди, - дейди отахон. - Ҳукуматимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан Маккаи Мукаррама йўлини очган, ҳаж зиёратига бориш ниятини дилимга тугиб қўйган эдим. Ният холис бўлса, тилаклар ижобат бўлар экан. Аввало, шундай имкониятни яратган ҳукуматимизга, Президентимиз Ислам Каримовга мингданминг раҳмат. Ахир, бундай имкониятни Шуро замонида орзу ҳам қилолмас эдик! Ҳозир ўзимнинг қарилганим ҳам сезмаяпман, кўнгилик тўқ бўлса, киши кескаликка буй бермас экан.

Аэропортнинг божхона варақалари тўлдириладиган бўлмасида кулай аравачада ўтирган кекса онахонни кўриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Келини билан суҳбатлашиб ўтирган Кумрихон аянинг ёшлари саксон тўртда экан. Онахоннинг кўзларида севинч ёшлари. Дилидаги шўкрона тилидан тушмайди.

Волидан муқтарамасини ҳаж зиёратига олиб жўнаётган Абдулла Ҳакимов билан суҳбатлашдим. Билсам, онахоннинг соғлиги яхши, ҳамон катта бир оиланинг тиргаги экан. Фақат, ўғил онасини уринтириб қўймаслик учун аравачага ўтказиб олибди. Шунда онасини елкасига опичлаб, тоғ ва сархорлар оша ҳаж зиёратига олиб борган йигит ҳақидаги қадимий афсона ёдимга тушди. Уйладимки, халқимиз дилидаги бу каби энг эзгу фазилятлар ҳамон барқарордир.


«Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг самолётлари яна бир неча кун давомида муқаддас зиёратга бораётган юртдошларимизни кўзлаган манзиллари сари элтади. Бўлажак ҳожиларимизнинг сафарлари бехатар, дуолари мустақаб бўлсин!

Мусулмон НАМОЗ, ЎЗА мухбири

«Ўзкейсервис» - Ўзбекистон - Америка қўшма корхонаси техникаларининг далаларимизда ишлаб бошлаганига хали кўп бўлгани йўқ. Лекин улар аллақачон ўзининг тежамкорлиги, ишни сифатли ҳамда унумли бажариши билан деҳқонларга маъқул келгани рост.

Суратда: Фаргона сервис маркази директори, вилоят Кенгаши депутати Бахтиёржон Маҳкамов муҳандислар Ойбек Турсунов ва Мунавваржон Каримовлар билан.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Наврўз тараддуди Кумкўргон туманида теварак-атрофни ободонлаштириш билан бошланди. Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари бошчилигида янги боғ ва дарактзорлар барпо этиш мақсадида турли кўчатлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, туманда «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали оила», «Энг намунали кўча» каби танловларнинг дастлабки босқичлари ўтказилаётди.

Туман ҳокимлигининг маданият ишлари бўлимида фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳам ўз байрам дастурларини ишлаб чиқдилар. Унга кўра «Алпомиш» ўйингоҳида, маданият ва истироҳат боғларида ташкил этилаётган катта концерт

ва томошаларда улар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Шунингдек, спортнинг кураш, кўпкери, футбол, волейбол, арқон тортиш каби ўнлаб миллий ва оммавий турлари бўйича беллашувлар уюштирилади. Дошқозонларда баҳор таомлари - сумалаклар, кўк сомсаю чучваралар пиширилади. Аънавий шодиёналарда «Наврўз», ЭКОСАН, «Қизил ярим ой», «Маҳалла» каби хайрият жамоалари ва жамиятларнинг туман бўлимлари томонидан кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва кўп болали оилаларга, ёлғиз қарияларга ҳадялар ҳозирланмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

«ВИНКЛЕР» БУЛОҚБОШИДА

Аҳолиси зич жойлашган Булоқбоши тумани марказида янги нон заводи иш бошлади. Ҳозирча кунинга бир тоннага яқин 32 хил турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқараётган бу корхонада Германия-

нинг «Винклер» фирмасининг замонавий ускуналари ўрнатилган. Вилоят дон маҳсулотлари бирлашмаси ташаббуси билан барпо этилган бу корхонада 12 нафар кишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

«Ишонч»га келган мактублардан

ЧИЛАНГАРГА ДИВИДЕНТ УНДИРИЛДИ

«Промэнергомонтаж»га қарашли «Жиззахмонтаж» бошқармасида 13 йилдан буён 4-разряд билан чилангарлик қилиб келаётган Владимир Тугушев 1997 йилнинг 26 апрелида ноғиронлик пенсиясига чиққани туфайли ишдан бўшади. У меҳнат қилаётган бошқарма 1994 йилдан жамоа корхонасига айлантирилиб, унинг Низомига кўра ишдан бўшаган ходимга зудлик билан дивидент тўлиниши зарур эди. Аммо корхона раҳбарлари маблағ йўқлигини баҳона қилиб, В.Тугушевга 1997 йилда олиниши лозим бўлган 17928 сўм миқдордаги дивидентни тўлашдан ҳозиргача бош тортиб келарди.

Жиззах шаҳар судида фуқаролик иши бўйича кўриб чиқилган мазкур иш чилангар В.Тугушев фойдасига ҳал этилди. Яъни, «Жиззахмонтаж» бошқармаси ҳисобидан даввогар В.Тугушевга 17928 сўмлик дивидент ундириб берилди. Мазкур корхонада бу ягона ҳол эмас. Жамо-

ада иқтисодчи бўлиб ишлаб келган Наталья Тугушева 1997 йил 3 июлида ишдан бўшайди. Унга йилнинг икки чораги учун 12328 сўм дивидент, 44415 сўм миқдорда даромад улуши ҳисобланган бўлса-да, уни ололмасдан сарсонун-саргардон бўлган. Ушбу иш судда кўрилгач, ноҳақликка барҳам берилиб, фуқаро Н.Тугушевга корхона ҳисобидан жамоа 56.743 сўм ундирилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Ҳўш, «Жиззахмонтаж» бошқармаси раҳбарлари амалдаги Меҳнат Кодексининг 110, 161-моддалари талабида кўрсатилганидек, ишдан бўшаган ходимга узоғи билан бир кунлик муддатда тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши зарурлигини билишмасми? Бу уларнинг виждонига ҳавола. Лекин шуниси аниқки, маъмурият раҳбарлари бепарволигидан корхона жамоаси 10.303 сўмлик моддий зиён ҳам кўрди.

Бадриддин КАРИМОВ, Жиззах шаҳар судининг судьяси.

Шахрихон туманидаги «Навнаво» илмий-муҳандислик хусусий кичик корхонаси юқори самара берадиган ихтиро ва рационализаторлик тақлифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш билан шуғулланади. Утган бир неча йил мобайнида мева ва сабзавотлардан шарбат олиш, тиргул ҳамда райхондан одекон, арпадан эса шифобахш пиво тайёрлаш технологиялари яратилиб ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Ана шундай маҳсулотларни кичик корхона соф фойда олишга эришилди. Ердан фойдаланиш рентабеллиги 36 фоизга етди.

ТАДБИРКОР ЙЎЛИДАГИ FOB

Шифобахш пиво сақлаш муддатини узайтириш мақсадида Полша Республикасининг «Металуцион JПД» фирмаси билан 0,33 ҳажмли металл банкалар етказиб бериш ҳамда тайёр маҳсулотнинг ўндан бир қисмини Полшада сотиш юзасидан музокаралар олиб борилаётди. Эндиликда корхонамиз маҳсулотларини МДХ мамла-

ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНДИ

Тез кунларда Намангандаги қурилиш анча йилдан буён қўзилиб келаётган йирик объектлардан бирида қурилиш ишлари бошланди. Дастлаб бу ерда кишлоқ жойларга мўлжалланган йилма уйларни ишлаб чиқарувчи қурилиш комбинатини қуриш мўлжалланган эди. Бироқ, маблағ етишмаслиги натижасида қурилиш ишлари тўхтаб қолганди. Ушандан бери комбинат қурилиши учун ажратилган 50 гектарга яқин ер майдони қаровисиз қолган, тикланган темирбетон конструкциялар емирила бошлаган эди.

Нихоят, вазият ўзгарди. «САМО» прожект инженеринг» фирмаси бу объект базасида қўшма корхона тузишга тайёр эканини маълум қилди. Хорижий ҳамкор қурилишга 219 миллион АҚШ доллари миқдордаги маблагни инвестиция қилишни мўлжаллаган. Қўшма корхона тузиш нияти тўғрисидаги дастлабки баённома имзоланган. Вилоят ҳокимлигининг фаол ёрдами билан лойиҳанинг техник-иқтисодий асоси режасини тузиш якунланмоқда. Бу ерда бирданга олти хил цех: ип йигирув-тўшиш ва трикотаж фабрикалари, шунингдек, нармалгантеревя, совбонлар, шойи галстуклар ишлаб чиқариш жойлаштирилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

Н. ҲУЖАЕВА, ЎЗА мухбири.

ТОРТИҚ

Кўнгирут туманидаги йирик корхоналардан бири - Газ қувурлари тармоғи бошқармаси ходимлари дастурхонига баҳор нафаси энди уфуралган айни кунларда ярим тонна помидор ва бодринг етказиб берилди. Бу неъматлар бошқарманинг ёрдамчи ҳўжалиги таркибидagi салкам ярим гектарлик иссиқхонада етиштирилди. Иссиқхона бундан анча йил-

лар олдин ишдан чиқиб, харобага айланиб қолган эди. Тадбиркор Тўражон Отажонов уни ўз ҳисобига олган, аҳвол тамомила ўзгарди. Энди у даромад келтирувчи манбага айланди. Ҳозир иссиқхона ходимлари корхона жамоасига 10 тоннага яқин помидор, бодринг ва турли кўчатлар етиштириб бериш учун астойдил меҳнат қилаётди.

МУРУВВАТ, МЕХРУ ОҚИБАТ

халқимизнинг бебаҳо фазилати

Сирдарё

Юртбошимиз халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигидаги нуқсонларга ҳолис баҳо берган ҳолда воҳа ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги сезиларли ўзгаришларни ҳам қайд этиб ўтди. Айниқса, меҳнатқашларни ижтимоий муҳофазалаш, янги иш ўринлари барпо этишда силжишлар бор. Кейинги йилларда хорижий сармоялар билан ҳамкорликда 20дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди. 1999 йилда 17,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. Бу эса кам таъминланган, ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилаларни маблағ билан таъминлаш, маҳаллалар фаолиятини жонлантиришга ҳам ўз ижобий самарасини кўрсатмоқда. Мухбирларимизнинг вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш бошқармаси бошлиғи Ҳ.Умаров билан суҳбатда ҳам шу ҳақда сўз борди.

— Ҳ.Умаров Дониёрович, оилани ватан ичра кичик бир ватанга қиёслашди. Юртга меҳр, қадриятларга эҳтиром энг аввало ана шу мўъжаз кўргонда шаклланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда энг аввало оилага эътибор, унинг фаровонлашувига рағбат қилинади...

Янги иш ўринлари: муммо ва ечим

— Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг маълум бир қисми ишсиз қолиши табиий ҳол. Бу муаммони бартараф этишнинг қандай ижобий тадбирлари кўриляпти?

— Вилоятимизда 657,8 минг киши иштиқомат қилади. 7857 нафар киши эса иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган. Шулардан 4744 нафар киши иш билан таъминланди. 663 киши касбга тайёрлаш ва қайта ўқитишга жўнатилди. 2174 нафар кишига эса мақбул иш ўринлари топилмаганлиги боис нафақа тайинланди. Тўғриси айтиш лозим, кейинги йилларда янги иш ўринлари яратиш юзасида яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар мадади таҳсинга лойиқ бўлмоқда. Аммо жойлардаги масъул идоралар, туман ҳокимликлари бу борада етарлича фаолият кўрсата олишмаяпти. Биз ўтган йили ҳар бир туман раҳбарига хат йўллаб кичик ва қўшма корхоналарни ривожлантиришга эътиборнинг сустигли, оқибатда ишсизлар сонининг ортishi эҳтимолдан холи эмаслигини баён этган эдик. Ачинарлиси, бизнинг ташвишимизга шерик бўлишни истамади улар. Боз устига ўтган ойларда 29та корхонага банкротлик эълон қилинди. Бу ташкилотларда ишловчи 267 нафар киши ишсиз қолди, 89 корхонада иш ўринлари қисқарганлиги боис 730 кишига янги иш ўринлари топиш зарурати туғилди.

Уларнинг ҳар бирига ғамхўрлик кўрсатиш, иш ўрни маблағ билан таъминлаш эса, маълумки, бизнинг зиммамиздаги вазифалардан биридир. Бошқармаиз томонидан янги иш ўринлари барпо этиш мақсадида 29806,5 сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бандлик дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида 31349,3 сўм миқдорда маблағ сарфланган бўлса, қайта ўқитишга 8751,9 сўм, жамоат иши-

чи К.Ортиқов, 2-МКК бошлиғи В.Соипов, вилоят матбуот савдо корхонаси бошлиғи Қ.Эрдаев, хўжалик ҳисобидига қуюв корхонаси бошлиғи Ф.Умаров, Гулистон 3-МКК бош муҳандиси О.Розиев, Оқ олтин туманидаги МКК участка бошлиғи Д.Мамадиёров, Хавос туманидаги «Навбахор» ширкат хўжалиғи бош муҳандиси Ш.Камоллов, ёнилғи омбори мудири У.Ҳасанов каби мансабдор шахс-

Киши қадр топган, эъзозланган ерга интилади, ўзини шу ердагина хотиржам ҳис қилиши мумкин. Мамлакатимизда муҳтож кишилар, ёлғиз қариялар, ногиронлар давлат қарамогога олинган. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий химоя қилишни кучайтиришга қаратилган Дастурнинг тасдиқлини ҳукуматимиз ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Дастур ижросини таъминлаш учун 15 миллиард сўм маблағ сарфлашнинг режалаштирилиши инсонпарвар демократик жамиятда яшаётганимизни исботлаб турибди.

Узоқ йиллардан бери кўзи ожизлар жамиятини бошқариб келаямиз. Айни пайтда вилоятимизда 12 та бошланғич ташкилот тартибига кирувчи 1307 на-

фар ногиронлар бор. Гарчанд уларнинг аксариятига бу ёруғ олам қоронғу бўлсада, жамиятимиз тараққиётига баҳоли қудрат ҳисса қўшишга интиляди. Сирдарё шаҳрида ўқув ишлаб чиқариш комбинатимиз фа-

кониятига эгадирлар. Ўртача ойлик маоши 4,5-5 минг сўмни ташкил этмоқда. Яқинда касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан 233,1 минг сўмлик меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, Ўзбекистон-Че-

ни турмуш фаровонлигини таъминлашга, муҳтожлар саломатлигини тиклашга сарфлашни ният қилганмиш.

Бугунги кунда жамиятимиз қиёда иккита маданият уйи, битта махсус кутубхона мавжуд. Маданият уйимизга 30 дан зиёд бадиий ҳаваскорлар фойз киритмоқдалар. Шунингдек, турли спорт тўғараклари ташкил этганмиш. Шахмат, шашка бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари ўтказиш эса аънава тусини олган.

Юрагимизни доимо бир юксак тўғу — биз ҳам шу юрт фарзанди эканлигимизни тўқинлантириб туради. Зеро, баҳоли қудрат унинг ривожига ҳисса қўшиш бизнинг ҳам бурчимиз.


Санъат ҚОДИРОВА,
вилоят кўзи ожизлар жамияти бошқаруви раиси.

БИЗ ОЛАМНИ ҚАЛБИМИЗ БИЛАН КЎРАМИЗ

олият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда 101 нафар ногирон меҳнат қилади. Улар ўтган йилда кичик гиламлар ишлаб чиқариш режасини 107 фоизга бажаришди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни хорижга сотиш имконияти туғилди. Комбинатда барча шарт-шароит мавжуд. Меҳнатқашлар ишлаб чиқариш билан биргаликда ўз билимларини ошириш, турли спорт тўғаракларида қатнашиш, ҳунар ўрганиш им-

кониятига эгадирлар. Ўртача ойлик маоши 4,5-5 минг сўмни ташкил этмоқда. Яқинда касаба уюшмалари вилоят кенгаши томонидан 233,1 минг сўмлик меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди. Шунингдек, Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси томонидан бепул дори-дармонлар билан таъминланиб турибмиш.

Жамиятимизга Меҳнатобод туман ҳокимлигининг мадади билан 5 гектар ер майдони ажрати берилгани ҳам айни мuddао бўлди. Шунингдек, Мирзаобод туман кўзи ожизлар жамиятига ҳам 4 гектар ер майдони ажратилган. Биз бу ерлардан унумли фойдаланиб, топилган маблағлар-



лар белгиланган миқдордаги жарималарни таъминлаш мақсадида 29806,5 сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бандлик дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида 31349,3 сўм миқдорда маблағ сарфланган бўлса, қайта ўқитишга 8751,9 сўм, жамоат иши-

Утган йили икки марта баб бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бунда ташкилот ва фуқароларимиз фаол иштироки таъминланди. Бундай ибратли ташаббуслар фақатгина Гулистон, Янгийер шаҳарларидагина қанот ёзмоқда. Қолган туманларда эса сув қуйгандек сокинлик, гўё барча иш жойида каби. Бу хотиржамлик, бепарволик кишини ташвишга солмасдан қолмайди. Қисқаси, ҳали бажарилиши лозим бўлган ишларимиз кўп. Вилоятимизда мулкдорлар синфини шакллантириш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш янги босқичга кирди. У ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиздир.

Тадбиркорлик БИР ТАШАББУС МЕВАСИ

Одамлари ҳам ғалати. Каминига ҳам ажаб-товур от қўйиб олишибди. Фармонбиди эмимман. Айниқса еттинчи келинимни тушириб, ҳазилин чинга айлантириб олишди, қўйишди. Ким билсин, балки оилаимиздаги аҳилликка ҳавасланиб шундай дейишар.

Турмуш ўртоғим Абдусаттор Ҳўжакелдиев оламдан кўз юмгач, биргина пенсияга қараб қолди. Ахир жўжа бирдек жонимиз. Қарасам, болалар ҳам қаловланиб қолишяпти. Ҳеч ўйлаб ўтирмадсан хўжалиқдан ер сўрадим. 10 гектарлик эски боғни ажратишди. Боғнинг фақат номи қолган. Қарилгани бўйинга олмай барча ишларга ўзим бош-қош бўлдим. 2 гектар ердаги боғзорни қайта тикладим. 8 гектарини тўнқандан тозалаб экин майдонига айлантирдик. Уша йили 5 гектар ерга макка экиб 95 тонна озуқа хирмони кўтардик. 2 гектар пахтаимиз ҳам мўл бўлди. Фарзандларим-

ни сира тинч қўймадим. Меҳнат қилган элда азиз бўлишини кенгайтирдим. Кейинги йили ер майдонимизни кенгайтириб 26 гектарга галла, 30 гектарга пахта эдик. 40 тонна дон, 32 тонна ўрнига 40 тоннадан ошқ пахта сотдик. Оилаимизда 50 жон иштиқомат қилади. Уларнинг тирикчилик манбаи шу ер. 25 бош қорамол парвартирялашимиз. Сут-қатиқ ўзимиздан чиқади. Утган йили умумий ер майдонимизни 100 гектарга кенгайтириб олдик.

Қимирлаган қир ошар, деганлари рост экан. Астойдил меҳнат қилмасан, бундай фаровон кунлар қайда эди. Юртбошимизга ташаккур. Тадбиркорликка кенг йўл очиб қўйилгани айни мuddао бўлди. Фақат бугега ўзимизга боғлиқ, имкониятдан унумли фойдаланган хор бўлмайди.

Х. ҲЎЖАКЕЛДИЕВА,
Хавос тумани.

ТОАБАД МИННАТДОРМАН

Билдакда кучинг, белда қувватинг, кўзда нуринг бўлган чоғда билнимас экан. Еш кетиб, асога суняиб қолган бировлар кўмаги, бир оғиз ширин сўзга махтал бўлиб қоларкансан киши. Тақдир тақозоси туфайли қисматимга ёлғизлик битилган экан. Аммо, шукр, ёлғизман дейишга сира ҳаққим йўқ. Бизга бошлана берган, қалб кўридан жой берган мард ўзбек халқига раҳмат. Гарчанд Россияда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистонда ўсиб-ўлғайдим. Оғир дамларимда ҳам шу халқ жонимга оро кираяпти.

Ҳар гал Мирзаобод туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Аликул Қаршибоев эшигимни тақиллатиб кириб келганда ўз жигарғушамни кўргандек суюнаман. Барака топсин, рўзгоримдан мунтазам хабар олиб туради. Лозим бўлганда тиббиёт ходимларини чақириб саломатлигим ҳусусида қайғуради. Туманда меҳнат қисматдошларим ўн киши экан. Мен Ўзбекистон ҳукуматидан, Президентдан тоабат миннатдорман. Қайси юртда бундай меҳр-мурувват, оқибат бор. Қўшин давлатда яшовчи қариндошлар бир неча бор уйларига тақил этиб, олиб кетмоқчи бўлишди. Унамодим. Чунки менга бу ердаги шароитини ҳеч қаррда яратиб бера олмасликларига имоним қолми.

Анна ГАЛКИНА,
Мирзаобод тумани.

МЕН ҚАНДАЙ БОЙИДИМ...

Баъзи ёшлар Абдурауф бобога не азоб экан, сира тинч-тинчимаиди пенсияни олиб, маза қилиб юрмайдими, деб қўлашди. Уларнинг гапида ҳам жон бор. Аммо уйда оёқни узатиб ётишимни ўзимга эл билмадим. Аввал ўз боғимни обод қилдим. Юздан зиёд турдаги мева, манзарали дарахт қўчалари ўтказдик. Сўнгра хонадон асалчилигини йўлга қўйдик. 50 уя асалари парвартиришга, ҳар йили эл дастурхонига 2-2,5 тонна шифобахш нёъмат тортиқ этаямиз. Бундан ташқари, мўъжазгина иссиқхонамизда 60 турга яқин лимонзор барпо этганимиз. Тўққиз нафар фарзандларим ҳаммаси меҳнатқаш, мўмин, қобил. 30 бош қорамол, 100 бошдан ортиқ қўй-эчкимиз бор.

Муваффақиятлар қанот бахш этди. Фарзандларим билан бамаслаҳат 50 гектар ерда ўз фермер хўжалигимизни ташкил этишга қарор қилдик. Рўзгорда ишлаб топган даромадининг бир қисmini шу ерга сарфладик. Мана икки йилдирки, пахта, пилла сотиш режасини ошириб удаллаб келаямиз. Гапнинг очиги, етимидан ошган одамнинг қўлидан нима иш келади. Фақат фарзандларга бош-қошман. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиб, ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб тураман, холюс.

Оддий бир қишлоқ кишиси сифатида ўз турмушимдан мамнунман. Энг муҳими, юртимизда тинчлик, осейишталик. Аслида бундан ортиқ бахтининг ўзи йўқ. Фақат астойдил ишлаш қарақ. Бирсанг ейман деган ақидаларга суняниш ақли расо кишининг иши эмас, деб ўйлайман.

Абдурауф НАЗАРОВ,
меҳнат фахрийси, фермер.

БАҒРИ КЕНГ ЎЗБЕГИМ

* Вилоятда 70339 нафар киши пенсия ва нафақалар билан узлуксиз таъминланмоқда.

* 218 нафар киши «Чернобил ҳалокати» оқибатларини бартараф этишда иштирок этган. Улар айни пайтда ишлаб чиқаришнинг турли жаҳаларида хизмат қилиш билан бир қаторда мунтазам ижтимоий химояга олинган.

* 1000 нафардан ортиқ пенсионер ва нафақадорлар хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

* Вилоятда 116522 та кўп болали оилалар иштиқомат қилади.

* 53180 нафар кам таъминланган оилаларга нафақа тайинланиб, 675631 минг сўм миқдорда маблағ билан таъминланди.

* Вилоятда 657,8 минг аҳоли мавжуд бўлиб, бир йиллик усши 3522 нафарни ташкил этмоқда.

* Вилоят буйича «Мурувват ўн кунлиги» да кам таъминланган, ёлғиз қарияларга, шунингдек, меҳрибонлик уйларига 42 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий химоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори юртимизда инсон манфаатлари устувор эканлигини яна бир бор тасдиқлаб, қадриятларимизга бўлган эътиборнинг янги ўфқларини очди. Айни чоғда кексалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга барча имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилиб, уларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит яратиб бериш биринчи галдаги вазифага айланган. Шунингдек, ижтимоий муҳофазатга муҳтож кишиларга мунтазам равишда хомийлар маблағларни ташиб этган ҳолда қўшимча моддий ёрдам кўрсатишга эришилмоқда.

Хусусан, ўтган 1999 йили энг кам таъминланган пенсионер ва ногиронлар ёлғиз қарияларнинг 2868 нафарига хомий ташкилотлар орқали ёрдам кўрсатилди. 428 нафар қаровчисини йўқотган, кекса одамларга 276 минг сўмлик моддий мадад берилди.

Кексаларнинг ўзига хос оғриқлари бўлади. Ана шу ҳолатни узишда хис этган ҳар бир киши беихтиёр ўзгалар ёрдамига муҳтожлик сезиши табиий. Бунинг назарда тутиб, ўтган йили 200 та протез-ортопедия маҳсулотлари, 270 та кўлтиктаёқ, 91 та эшитиш аппарати воситалари етказилди. Афсуски, ораимизда тақдир тақозоси туфайли

ни бартараф этишда иштирок этган 218 нафар киши. Улар ҳам турли имтиёзлар билан қуршоб олинган. Уруш ногиронларининг шахсий автотранспорт воситалари белгисиз учун 4910500 сўм товон пули ижтимоий таъминот бўлимлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Хусусан, Сирдарё шаҳридаги меҳрибонлик уйида иштиқомат қилаётган ёлғиз кексалар ва ногиронлар тўлиқ давлат таъмино-

да рўзгор юмушлари ва бошқа юмушларда чиндан ёрдам беришмоқда.

Кексаларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, яшаб турган уйлари таъмирлашга кўмаклашиш дастурини алоҳида қайд этиб ўтилган. Масалан, Мирзаобод туманида яшовчи уруш фахрийси Элибек Сангиров ҳам яшаб турган уйи ноҳорлиги, аммо ундан кўнглик узоқлаётганини айтиб мадад сўраган эди. Туман ҳокимлигининг саъй-ҳара-

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ! ёрдамга муҳтож кишиларга ҳомийлар мадади

тўшаққа миҳланган беморлар ҳам бор. Уларнинг ҳам табиятдан баҳра олгиси, боғ-чорбоғ сайрига чиққи ки келади. Бунинг назарда тутиб, 35 нафар тўшаққа миҳланган беморлар ҳолидан хабар олувчи ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳар ойда кекса, ногирон, боқувчисини йўқотган ёлғиз қарияларга кундалик учун зарур бўлган 8 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларини уйларига элтиб беришади. Зарур чо-

кати туфайли отахонинг талаби қондирилди, барча қулайликларга эга иморат унга хусусий мулк қилиб берилди. Бошқармаиз кўзда тутилмоқда. Зотан, юртимизда яхшилиқни ҳар доим, ҳар кун қилиш аънамага айлангани улғу иштиқболдан далолатдир.

Турсунбой ХУДОЙБЕРДИЕВ,
вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари.